

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 24 (1203) 2019 йил 13 июнь

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank\_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR кодни телефонингиз орқали сканер қилинг



Жорий йилнинг 10 июнь куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ташриф буюрди. Учрашувда томонлар банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

## ЕТБ ВАКИЛЛАРИ МАРКАЗИЙ БАНҚДА



ЕТБ томонидан банк тизимида бир қатор қўшимча чора-тадбирлар ва ислохотлар амалга оширилиши, жумладан, тизимда соғлом рақобатни кучайтириш учун зарур ҳисобланган давлат ва хусусий банклар учун бир хил ва тенг шароит яратиш ҳамда давлат дастурларини молиялаштиришнинг муқобил манбаларини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, ЕТБ вакиллари Ўзбекистон банк тизимининг жорий ҳолати ва уни ислоҳ қилишдаги устувор вазифа-

лар бўйича ўз қарашлари билан ўртоқлашдилар. ЕТБ президенти банк тизимидаги ислохотларни қўллаб-қувватлашни ҳамда бу борада зарур кўмак тақдим этишга тайёр эканлигини таъкидлади.

Учрашувдан сўнг Ўзбекистонда ЕТБ лойиҳаларини кенг қамраб олиш ва ҳажмини ошириш мақсадида ЕТБ ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ўртасида миллий валютада вакиллик ҳисоб варағини очиш тўғрисида шартнома имзоланди.

cbu.uz

## ХАЛҚ БАНКИ ЖАМОАСИ – БИР ОИЛА

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббус доирасида Халқ банки томонидан жорий йилнинг 8 июнь куни пойтахтимиздаги “Япон боғи”да “Баркамол авлод – юрт таянчи” шиори остида банк ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.



(Давоми 5-саҳифада)

### КЕЛИШУВ

## ИСЛОМ КОРПОРАЦИЯСИ БИЛАН МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкида банк раҳбарияти ҳамда Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси вакиллари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.



Унда “Трастбанк” раҳбарияти Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясининг Ижро этувчи директори жаноб Айман Амин Седжини бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашув Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 декабрдаги “Халқаро ва хорижий мўлия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2019 йил 5 мартдаги “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбир-

лари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда халқаро молия институтлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим воқеа бўлди.

Маълумки, 2018 йилнинг 9 июлида “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки делегациясининг Жидда шаҳрига (Саудия Арабистони) ташрифи доирасида “Трастбанк” ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси ўртасида имзоланган Битим доирасида 7 млн. АҚШ доллари миқдориде ажратилган кредит линияси 1 календарь оий мобайнида ўзлаштирилган.

(Давоми 2-саҳифада)

### ТАДБИР

“Ипотека-банк” АТИБ томонидан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун банк томонидан кредитлар ажратилишини янада энгиллаштириш борасида белгиланган чора-тадбирлар” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманда банк раҳбар ва ходимлари, тадбиркорлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

## ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛ Қўллаб-қувватланмоқда

“Ипотека-банк” АТИБ мамлакатимизнинг кенг қўламли иқтисодий ислохотларида фаол иштирок этиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли турмуш даражасини оширишга, аҳоли бандлигини таъминлашга, янги иш ўринлари яратилишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ўтган йиллар давомида банк мамлакатимизда уй-жой қурилишини инвестициялаш ҳамда ипотека асосида кредитлаш тизимини ривожлантириш бўйича ҳам самарали ишларни амалга оширди.


Анжуманда “Ипотека-банк” АТИБнинг Кичик бизнес ва чакана

хизматлар блоки раҳбари Шаҳноза Алимова банк фаолиятига кенг тўхталар экан, тадбиркорлик субъектларини кредитлаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, банкимиз томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,6 триллион сўм миқдориде маблағ ажратилди. Бу маблағлар ҳисобига икки ярим мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлиги таъминланди. Бу борада хотин-қизларнинг тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## ИСЛОМ КОРПОРАЦИЯСИ БИЛАН МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК



(Бошланиши 1-саҳифада)

Жумладан, мазкур йўналиш доирасида sanoat ишлаб чиқариш соҳасида қатор инвестиция лойиҳалари молиялаштирилган бўлиб, кабель ишлаб чиқариш соҳасига, электрон қисмларни ишлаб чиқариш соҳасига, қурилиш соҳасига ва маиший техника ишлаб чиқариш соҳасига ажратилган кредит линиялари ҳисобидан республика миқдорида жами элликка яқин янги иш ўринлари яратилганга эришилди.

– Бугунги кунда Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислоом корпорацияси “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкнинг халқаро даража-

даги муҳим ҳамкорларидан бири ҳисобланади, – дейди Банк Бошқаруви раиси Сардор Нормухамедов. Ўтган 25 йил мобайнида банк молиявий хизматлар бозорида мустақкам ўрин эгаллаб, ўзигагина хос бўлган иш услубини яратишга муваффақ бўлди. Хусусан, банк ўз фаолияти давомида кенг миқозлар базасини яратди. Жумладан, республика бўйлаб банкнинг 11 та филиаллар тармоғи аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатмоқда. Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислоом корпорацияси томонидан ажратилган кредит линияси “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки-

нинг халқаро бизнесни ривожлантиришнинг янги босқичига эришишига имкон яратди.

Қизгин кечган учрашувда “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Бошқаруви раиси Сардор Нормухамедов банк фаолияти натижалари ва ўзлаштирилган кредит линиялари ҳақида батафсил маълумот бериб, ҳамкорликнинг навбатдаги босқичи сифатида мавжуд молиялаштириш линиясини ошириш имкониятлари ва ўзаро ҳамкорликнинг шакллари хусусида сўз юритди.

Учрашув якунида “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислоом корпорацияси ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Мазкур учрашув ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқаришга алоҳида туртки бериш билан бирга, шубҳасиз, банк томонидан кўрсатилган хизматлар кўламини кенгайтиришга, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантиришга, қолаверса республика миқдорида янги иш ўринларининг яратилишига мустақкам замин яратади.

Сабоҳат ҲАЙТҚОРИЕВА

## ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА



(Бошланиши 1-саҳифада)

Жумладан, ўтган давр мобайнида тадбиркор аёлларнинг ташубусларини молиялаш учун 58,2 млн. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилди. Бу банкимиз томонидан аҳолига микрокредитлар ажратишда ўтган йилларга қараганда 1,2 баробарга ортганидан далолат беради.

Шунингдек, тадбирда Инвестицион фаолиятни мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш маркази директори Иброҳимжон Мамаджанов ҳам сўзга чиқиб, жорий йил давомида банк томонидан 1 июнь ҳолатига кўра sanoat, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва коммуникация ҳамда турли ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун 1,6 трлн. сўм миқдоридан инвестиция кредитлари ажратилганини таъкидлади.

Анжуман давомида банк томонидан “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури бўйича аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам маълумот берилди. Қайд этили-

шича, ўтган давр мобайнида 7,5 минг хондонга 153 млрд. сўмлик кредит ажратилган бўлиб, бунга кўшимча тарзда 2 300 нафар кам таъминланган оилаларга 13 млрд. сўм миқдоридан молиявий кўмак берилган. Бу эса аҳоли турмуш даражасини ошишига хизмат қилди.

Шунингдек, банкнинг республика миқдорида бозоридаги универсал молия муассасаси сифатида тизимнинг бошқа йўналишлари бўйича ҳам самарали фаолият юритаётгани, хусусан, мамлакатимиз иқтисодий ислохотларининг марказини эгаллаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаб, юртимизда ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётгани ҳақида ҳам таъкидлаб ўтилди.

Тадбир сўнгида банк мутахассислари ва журналистлар ўртасида қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА

## F FINANCEUZ хабар қилади

### АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ



Жорий йилнинг 10 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитаси ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида Ўзбекистон Республикасининг тоғ секторини ислоҳ қилиш бўйича стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми имзоланди.

### ХАЛҚ БАНКИ ЭЪТИРОФДА

Акциядорлик тижорат Халқ банки ISO 9001:2015 сифат менежменти тизими аудит текширувидан муваффақиятли ўтиб, халқаро стандартлар бўйича мувофиқлик сертификатини кўлга киритди.

ISO 9001:2015 сифат менежменти тизимининг асосий мақсади истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган тизимдир. Мазкур халқаро стандартнинг жорий қилиниши банкда иш жараёнларини амалга ошириш мезонлари ва миқозларнинг банкка бўлган муносабатини таҳлил қилиб боришга замин яратади. Хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтиришга омил бўлади.



Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки – мамлакатнинг “отaxon” банкларидан бири. Банк кундалик муаммолардан тортиб, энг муҳим масалаларга оддий ва қулай ечимларни тақдим этган ҳолда, фуқаролар ва компанияларга ўз фаолиятларини яхшилашга яқиндан кўмаклашмоқда. Шу сабабдан ҳам Халқ банки ўз фаолиятида тўлиғича ўз миқозларининг талаб ва истакларини қондиришга интилоқда. Бу ҳам банк ривожининг асосий йўналишларидан бири сифатида қайд этилган.

### “МИКРОКРЕДИТБАНК” РЕЙТИНГИ “БАРҚАРОР”



“Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги “Микрокредитбанк” АТБ кредит рейтингини “ВВ-” даражасида тасдиқлади. Банкнинг истиқболдаги фаолияти “Барқарор” – деб баҳоланди.

**АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ  
«УНИВЕРСАЛ БАНК»**

Рўйхат рақами: 68-сон, 14 июль 2018 йил, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.  
Юридик манзили: 150700, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Шохруҳобод кўчаси

**МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ  
2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра**

Минг сўмда

Моддалар	2018 йил 31 декабрь	2017 йил 31 декабрь
<b>АКТИВЛАР</b>		
Нақд пуллар ва уларнинг эквивалентлари	79 455 573	58 111 805
Бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар	10 501 532	18 709 247
Мижозларга берилган кредитлар	298 979 172	105 316 951
Қимматли қоғозларга инвестициялар	3 991 714	4 662 889
Асосий воситалар	26 183 363	20 910 942
Номоддий активлар	579 377	571 224
Кўчмас мулкларга қилинган инвестициялар	-	495 775
Солиқ талаблари	507 167	1 503 851
Бошқа активлар	5 218 532	4 239 112
<b>ЖАМИ: АКТИВЛАР</b>	<b>425 416 430</b>	<b>214 521 796</b>
<b>МАЖБУРИЯТЛАР</b>		
Ўзб.Рес.МБ олдидagi қарздорлиги	-	-
Кредит ташкилотлари маблағлари	1 291 224	5 004 825
Мижозларнинг маблағлари	295 279 747	174 011 462
Чиқарилган қарз қимматли қоғозлари	401 302	-
Бошқа жалб этилган маблағлар	19 117 127	1 738 675
Солиқ мажбуриятлари	127 505	-
Бошқа мажбуриятлар	1 611 821	1 614 386
<b>ЖАМИ: МАЖБУРИЯТЛАР</b>	<b>317 828 726</b>	<b>182 369 348</b>
<b>ХУСУСИЙ САРМОЯ</b>		
Устав капитали	100 000 000	24 403 868
Эмиссион даромад	72 333	72 333
Тақсимланмаган фойда	7 515 371	7 676 247
<b>ЖАМИ: ХУСУСИЙ САРМОЯ</b>	<b>107 587 704</b>	<b>32 152 448</b>
<b>ЖАМИ: МАЖБУРИЯТЛАР ВА ХУСУСИЙ САРМОЯ</b>	<b>425 416 430</b>	<b>214 521 796</b>

**ҲОИДА ВА ЗАРАРЛАР  
ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ  
2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра**

Минг сўмда

Моддалар	2018 йил	2017 йил
Ҳоизли даромадлар	32 258 915	17 306 409
Ҳоизли харажатлар	(12 389 936)	(6 580 025)
<b>Соф Ҳоизли даромад</b>	<b>19 868 979</b>	<b>10 726 384</b>
Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захира	(348 534)	(2 587 104)
Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захира чегирилгандан кейинги соф Ҳоизли даромад	<b>19 520 445</b>	<b>8 139 280</b>
Воситачилик даромадлари	14 653 440	13 730 059
Воситачилик харажатлари	(2 771 907)	(2 423 922)
Хорижий валютадаги операциялар бўйича фойда(зарар)	1 548 137	4 546 246
Бошқа Ҳоизсиз даромадлар	654 602	1 138 073
<b>Ҳами воситачилик даромадлар</b>	<b>14 084 272</b>	<b>16 990 456</b>
Ишчи ва хизматчиларга қилинган харажатлар	(11 499 577)	(8 715 512)
Эскириш ажратмаси	(2 172 882)	(1 266 196)
Бошқа маъмурий харажатлар	(11 309 166)	(7 118 307)
Бошқа активлар қадрсизланиши бўйича захира	-	(2 232 412)
<b>Ҳами маъмурий харажатлар</b>	<b>(24 981 625)</b>	<b>(19 332 427)</b>
<b>Ҳойда солиғи тўлангунга қадар соф Ҳойда(зарар)</b>	<b>8 623 092</b>	<b>5 797 309</b>
Ҳойда солиғини баҳолаш	(2 523 287)	(1 218 517)
Йил якуни бўйича соф Ҳойда(зарар)	6 099 805	4 578 792
Бир акцияга базавий Ҳойда (сўмда)	890,00	668,00

**АКЦИЯДОРЛИК КАПИТАЛИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ  
2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра**

Минг сўмда

Моддалар	Устав сармоiasi	Эмиссион даромад	Капитал ва фонд захираси	ЖАМИ
<b>2017 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ</b>	<b>22 939 673</b>	<b>72 333</b>	<b>4 846 560</b>	<b>27 858 566</b>
Ҳисобот даври соф даромади	-	-	4 578 792	4 578 792
Йил давомидаги бошқа ялли даромад	-	-	-	-
Йил давомидаги Ҳами ялли даромад	-	-	4 578 792	4 578 792
Муомалага чиқарилган акциялар	1 464 195	-	-	1 464 195
Тўланган дивидендлар	-	-	(1 749 105)	(1 749 105)
<b>2017 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқ</b>	<b>24 403 868</b>	<b>72 333</b>	<b>7 676 247</b>	<b>32 152 448</b>
МСҲО 9 ни жорий этилиши таъсири	-	-	(1 987 442)	(1 987 442)
<b>МСҲО 9 ни ҳисобга олинганда 01 январь 2018 га қолдиқ</b>	<b>24 403 868</b>	<b>72 333</b>	<b>5 688 805</b>	<b>30 165 006</b>
Жорий йил фойдаси	-	-	6 099 805	6 099 805
Бошқа ялли даромадлар	-	-	-	-
Ҳами йил давомидаги ялли даромади	-	-	6 099 805	6 099 805
Муомалага чиқарилган акциялар	75 596 132	-	-	75 596 132
Тўланган дивидендлар	-	-	(4 273 239)	(4 273 239)
<b>2018 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқ</b>	<b>100 000 000</b>	<b>72 333</b>	<b>7 515 371</b>	<b>107 587 704</b>

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «Эрнст энд Янг» МЧЖ (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 5 февралдаги АҲ № 00682-сонли лицензиясига эга) аудиторлик компанияси томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2018 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботларининг тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида мавжуд.

Хизматлар лицензияланган.

**ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ  
ЙИҒМА ҲИСОБОТ**

2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

Минг сўмда

Моддалар	2018 йил	2017 йил
<b>Операцион фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати</b>		
Олинган Ҳоизлар	29 381 746	17 655 522
Тўланган Ҳоизлар	(12 054 017)	(6 405 327)
Воситачилик ҳақи учун тўлов шаклида олинган маблағлар	14 653 440	13 732 213
Воситачилик ҳақи учун тўланган маблағлар	(2 539 974)	(2 423 922)
Олинган дивидендлар	363 000	122 926
Ҳисобдан чиқарилган кредитларни қоплаш	752 585	2 697 212
Ҳоизсиз соф даромад	1 005 753	-
Ходимларни саклаш учун тўланган харажатлар	(11 327 411)	(8 525 160)
<b>Маъмурий ва бошқа операцион харажатлар учун тўловлар</b>	<b>(8 424 678)</b>	<b>(8 739 508)</b>
Тўланган даромад солиғи	(902 237)	(1 173 531)
<b>Операцион актив ва мажбуриятлардаги ўзгаришларга бўлган операцион фаолиятдаги пул маблағлар ҳаракати</b>	<b>10 908 207</b>	<b>6 940 425</b>
<b>Операцион активлардаги ўзгаришлар (ўсиш/камайиш)</b>		
Бошқа банклардаги маблағлар	7 690 424	(4 959 649)
Берилган кредитлар ва бўнақлар	(193 001 649)	(30 315 086)
Бошқа активлар	(3 789 351)	(3 754 185)
<b>Операцион мажбуриятлардаги ўзгаришлар (ўсиш/камайиш)</b>		
Мижозларнинг маблағлари	120 591 167	64 875 035
Бошқа банкларнинг маблағлари	(3 705 313)	(7 621 806)
Марказий банкка тўланадиган маблағлар	-	(566)
Бошқа мажбуриятлар	100 071	4 496 891
<b>Операцион фаолият бўйича пул маблағларининг соф ҳаракати</b>	<b>(61 206 444)</b>	<b>29 661 059</b>
Инвестицион фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати		
Қарам ҳўжалик Ҳамиятларни сотиб олиш	-	-
<b>Асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олиш</b>	<b>326 143</b>	<b>50 000</b>
Асосий воситалар ва номоддий активларни сотишдан тушум	(7 333 387)	(11 187 084)
Олинган дивидендлар	-	5 401 389
<b>Инвестицион фаолият бўйича пул маблағларининг соф ҳаракати</b>	<b>(7 007 244)</b>	<b>(5 735 695)</b>
<b>Молиявий фаолият бўйича пул маблағлари</b>		
Бошқа қарз маблағлари	17 378 452	-566
Акцияларни муомалага чиқаришдан тушумлар	75 364 199	1 464 195
Облигацияларни чиқарилишидан тушум	701 302	-
Облигацияларни қайтарилишидан тушум	(300 000)	-
Тўланган дивидендлар	(4 273 239)	(1 816 619)
<b>Молиявий фаолият бўйича пул маблағларининг соф ҳаракати</b>	<b>88 870 714</b>	<b>(352 424)</b>
<b>Валюта курсидаги ўзгаришларнинг пул маблағлари ва улар эквивалентларига таъсири</b>	<b>695 910</b>	<b>4 089 970</b>
Кўтилаётган кредит йўқотишларининг пул маблағлари ва улар эквивалентларига таъсири	(9 168)	-
Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф кўпайиши/камайиши	21 343 768	27 662 910
Йил бошига пул маблағлари ва улар эквивалентлари	58 111 805	30 448 895
Йил охирига пул маблағлари ва улар эквивалентлари	79 455 573	58 111 805

## ИҚТИСОДИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ ЯРАТИЛМОҚДА



**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, у шу йиллар давомида замонавий халқаро стандартлар асосида банк, молия, солиқ ва реал сектор йўналишидаги бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш орқали мамлакат иқтисодиётига зарур бўлган етуқ раҳбар кадрларни етказиб берапти.**

Таълим даргоҳининг бугунги фаолияти ва режалари билан танишиш мақсадида Банк-молия академияси ректори и.ф.н., доцент Бахриддин БЕРДИЯРОВ билан суҳбатлашдик.

– Банк-молия академиясининг асосий фаолияти ҳақида қисқача тўхталсангиз?

– Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси мамлакат молия сектори учун бозор қонуниятларини, замонавий бошқарув билимларини чуқур эгаллаган, кенг таҳлилий ва ижодий фикрлаш кўникмаларига эга бўлган, ватанпарвар, юқори профессионал компетентли ва рақобатбардош бошқарув кадрларини тайёрлайди. Икки йиллик ўқув жараёнини ўз ичига қамраган академияда ҳар йили 11 та йўналиш бўйича 200 нафар тингловчи магистрик илмий ишини ҳимоя қилади. Кейинчалик илмий салоҳиятга эга тингловчилар ўз илмий-тадқиқот ишларини давом эттиришлари мумкин. Муассасамиз таркибида Илмий тадқиқотлар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими ҳам фаолият кўрсатади. Унда докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчилар қабул қилинади. Профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар ҳамда тингловчиларимиз томонидан мамлакатимиз иқтисодий ривожига ҳисса қўшишга муносиб илмий ва амалий тақлифлар бериб борилади.

– Академия халқаро алоқаларни ривожлантириш борасида қандай чоратadbирларни кўриб келяпти?

– Академия ташкил этилгандан буён қатор ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик ишлари олиб борилади. Жумладан, Япония молия вазирлиги қошидаги Сиёсий тадқиқотлар институти, Германия Бремерхафен университети билан яқин муносабатлар ўрнатилган. Шу-

нингдек, Буюк Британия, Корея республикаси, Чехия, Хитой, Малайзия давлатларининг нуфузли илмий муассасалари билан ҳам ўзаро фойдали алоқалар ўрнатилиб, ушбу мамлакатларнинг грантлари асосида профессор-ўқитувчиларимиз, истеъдодли тингловчиларимиз илмий-амалий семинарларда қатнашиб, махсус сертификатларга эга бўлишмоқда.

– Академия фаолиятидаги қисқа муддатли ўқув курсларининг аҳамияти ҳақида нималар дея оласиз?

– Академия таркибида Қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультети ҳам фаолият юритади. Бу курслар қисқа бўлишига қарамай, мамлакатимизда иқтисодий йўналишида олиб борилаётган ислохотлар, қонун ва бошқа меъёрий нормалардан мазкур тизимда ишлаётган раҳбар ходимларни хабардор қилиш орқали олиб борилаётган ислохотлар самарасига баҳоли қудрат ёрдам кўрсатилмоқда. Жорий йилда Қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультетида 4 ойлик қайта тайёрлов дастури бўйича 19 нафар тингловчи билим олди.

– Ўқув самарадорлигини ошириш борасида ўқув жараёнида янгиликлар жорий қилиняптими?

– Ўқув жараёнига эндиликда Дипломатик этикет, Менежмент, Иқтисодий хавфсизлик каби факультатив дарслар ҳам қўйилганки, булар тингловчиларнинг халқаро замонавий билимларини оширади. Шунингдек, банк-молия соҳасида фаолият кўрсатаётган етакчи раҳбарлар ҳам машғулотларга чақирилиб, уларнинг тажрибалари тингловчилар ўртасида ўрганиляпти.

– Академияни муваффақиятли тугатган тингловчиларнинг иш лавозимларида ўсишлар кузатиляптими, яъни битирувчиларнинг академия таълимидан кейинги иш фаолияти мониторинг қилинадими?

– Албатта, битирувчиларимиз ўз иш жойларига боргандан кейин, оширган билим ва тажрибалари туфайли лавозимларида кўтарилиш кузатилиши керак. Академия масъул ходимлари томонидан ҳар 6 ойда бу борада мониторинг олиб борилади.

Битирувчилар орасида Президент маслаҳатчиси ўринбосарлари, вазирлар ва вазир ўринбосарлари ва бошқа масъул лавозимларда иш юритаётганларнинг борлиги бизни жуда хурсанд қилади. Битирувчиларимиз қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар улар ўз ватанига, элига содиқ бўлиб, ҳалол хизматлари билан давлатимизнинг ривожига ҳисса қўшаётган бўлса, шунинг ўзи бизнинг ютуғимиздир.

– Академиянинг келгусида янада самарали фаолият юритиши, мамлакатга юқори профессионал бошқарув кадрларини етказиб беришда яна нималарни амалга ошириши керак деб ўйлайсиз?

– Академия фаолиятини кенгайтириш, ўқув машғулотларнинг самарадорлигини ошириш, ўз соҳасининг устаси бўлган амалиётчи раҳбарлар билан янада алоқаларни ривожлантириш, халқаро стандартлар асосида бошқарув кадрларини тайёрлашни янги bosқичларга кўтариш.

– Мазмунли ва қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур.

Яқинда Банк-молия академиясининг профессор-ўқитувчилари билан “Буюк келажак” Халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти экспертларининг учрашуви бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегияси концепциясининг дастлабки нусхаси ва йўл хариталари ҳақида сўз борди.

## “БУЮК КЕЛАЖАК” ЭКСПЕРТЛАРИ АКАДЕМИЯДА

– “Буюк келажак” ХННТ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 14 апрелда рўйхатдан ўтган. Ташкилотнинг таъсисчилари бир гуруҳ ватандошлар ва “Ривожланиш Стратегияси” Маркази ҳисобланади, дейди мазкур ташкилотнинг экспертларидан бири Шаҳбоз Сиддиқов. – “Буюк келажак” ХННТнинг ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижда яшовчи ватандошларимизга қаратилган, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотларга уларнинг дахлдор бўлишлари учун тузилган ҳаракатдир.

нинг тақлифлари асосида Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегияси концепциясининг дастлабки нусхаси ва йўл хариталари тайёрланди.

2018 йил 28-29 июнда ўтказилган форумда депутатлар, давлат органлари, илмий-таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, фуқаролик институтлари вакиллари иштирокида асосий ғоя ва ривожланиш бўйича тақлифлар ўрганилган бўлса, жорий йилнинг 5-6 февраль кунларида ўтган форумда ишлаб чиқилган ҳужжатнинг асосий жиҳатлари ва кўрсаткичлари кўриб чиқилди.



Тадбирда қайд этилишича, ташкилотнинг асосий вазифалари “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича” “Ҳаракатлар стратегияси” доирасида амалга оширилувчи ислохотларга кўмаклашиш, мамлакатимизнинг 2035 йилгача бўлган узоқ муддатли ривожланиш стратегияси бўйича тақлифларни ва уни амалда бажариш учун “Йўл харита”ларини ишлаб чиқиш каби вазифалардан иборат. Ташкилотнинг асосий аналитик органи Эксперт кенгаши бўлиб, у ҳозирги кунда турли соҳаларда хорижда орттирилган тажрибаларга эга бўлган 35 та мамлакатдан 300 нафар ватандошларимизни бирлаштиради.

Шу кунгача ташкилот томонидан турли тармоқ компанияларидан олинган дастлабки маълумотлар йиғилиб ва таҳлил қилиниб, вазирлик ва идораларда ўтказилган учрашувлар, экспертлар-

Ҳозирги кунда лойиҳа аҳолининг кенг қатламлари, турли вазирликлар, ОАВ ва турли ижтимоий тармоқларида муҳокама этилмоқда. Шунингдек, экспертлар иштирокида илғор хорижий тажриба ва замонавий технологиялар бўйича олий ўқув юртларида муҳим ва долзаб мавзулар бўйича маърузалар ташкил этилди.

Профессонал тажрибага эга бўлган ватандошлар салоҳиятидан мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни самарали амалга оширишда фойдаланилмоқда. Улар орасидан малакали мутахассислар давлат хизматларига жалб қилинмоқда. Бугунги кунда моҳир экспертлардан айримлари Ўзбекистонга қайтиб давлат идоралари, банклар ва компанияларда масъул лавозимларда фаолият юритишмоқда.

Мунозара ва баҳсларга бой бўлган тадбирда анжуман иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

### (Бошланиши 1-саҳифада)

Маълумки, ушбу беш ташаббус доирасида ёшларнинг мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш ҳамда уларни жисмоний чиниқтириш, спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш мақсади мужассамлашган.



Албатта, мазкур ташаббуслар кенг жамоатчилик билан бирга Халқ банки жамоаси томонидан ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинди ва уни амалиётга татбиқ қилишга жиддий киришилди.

Биргина хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва уларнинг бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли равишда 8 фоизли кредит маблағлари ажратилаётган бўлиб, бу йўналиш учун банк томонидан жами 100 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилмоқда. Айни кунда банкнинг барча ҳудудлардаги филиаллари томонидан мазкур кредитлар ажратиш ишлари олиб борилаётир.

“Япон ёғи” да байрамона руҳда ташкил этилган мазкур тадбирда ҳам беш ташаббуснинг мазмун-моҳияти ва унинг бугунги аҳамияти амалий кўргазма-ю, чиқишлар ва спорт ўйинларида намоён бўлди. Унда иштирок этган банк жамоаси ўзларини ҳақиқий маънода бир оиладек ҳис қилишди.

## ХАЛҚ БАНКИ ЖАМОАСИ – БИР ОИЛА

Айни ёзги таътил кунларида бундай байрамнинг уюштирилгани болажонларнинг мароқ билан дам олишига ва хурсандчилигига сабаб бўлди. Тадбирда турли ўйинлар, эртак ва мультфильм қаҳрамонларининг чиқишлари, мусиқий ва театрлаштирилган томошалар ҳамда кўзбойлогичларнинг ўзига хос фокуслари нафақат болажонларни, балки ота-оналарни ҳам бефарқ қолдирмади.

Энг асосийси, тадбирда таниқли санъаткор ва истеъдодли ижодкорларнинг концерт дастурлари ҳамда рассомлар ва спортчиларнинг иштироки банк ходимларининг фарзандларида бу соҳаларга бўлган қизиқишини янада оширди. Улар билан ёнма-ён турли ўқув машғулотларида иштирок этишди.

– Албатта, бугунги тадбир учун банк раҳбариятидан жуда миннатдормиз, – дейди Қисқа муддатли кредитлаш департаменти бўлим бошлиғи Машраб Авлақулов. – Беш ташаббус доирасида ўтказилаётган бу байрамона тадбирда оиламиз билан чинакамига дам олдик.

Театрлаштирилган томошалар, спорт ўйинлари, рассомлар билан турли расмларни чиқиш, буюмлар яшаш каби тўғараклар уларни ниҳоятда қизиқтириб қўйди. Биз ҳам уларга қўшилиб, тўғаракларга киришиб кетдик. Қуни-миз қандай ўтганини ҳам сезмай қолдик. Гоҳида иш билан бўлиб, фарзандларим билан ёнма-ён



ўтиришга вақт бўлмади қолади. Бу тадбир эса ҳам оиламизни, ҳам банк жамоасини янада яқинлаштирди. Бундай эътибор ва рағбат кучимизга куч қўшиб, кейинги фаолиятимизда янада шижоат ва ғайратли бўлишга ундайди.

– Бугунги байрам менга жуда ёқди, – дейди учинчи синф ўқувчиси Акмал Савдиев. – Маза қилиб ўйнадик, мультфильм қаҳрамонлари билан суратга тушдик, расмлар чиздик, камондан ўқ отишни ўргандик, цирк томошаларини кўрдик. Буларнинг ҳаммаси бир-бирдан қизиқ бўлди. Бундай байрамлар кўп бўлишини жуда хоҳлардим.

Эътиборлиси, ушбу ташаббусни юртимиздаги барча Халқ банки филиаллари миқёсида кенг тарғиб қилиш режалаштирилган. Бундан кўринадики, ҳали Халқ банки яна минглаб оилалар ва болажонларга қувонч улашади.

### ТЕХНОЛОГИЯ

**Бугунги кунда масофавий банк хизматларини кенг жорий қилиш натижасида банк мижозларининг сони ҳам, аҳолининг банкларга бўлган ишончи ҳам ортиб бормоқда.**

Биргина мобил илова дастурлари орқали мижозларга реал вақт режимида картадан картага пул ўтказиш (P2P) операцияларини бажариш, алоқа, коммунал, солиқ, бюджет, интернет-провайдерлар, рақамли телевидение ва бошқа бир қанча тўловларни амалга ошириш, мижознинг талабига кўра банк картасини блоклаш (блокдан чиқариш), жисмоний шахслар учун микроқарз олиш ва кредитларни сўндириш, онлайн омонатларни расмиёлаштириш, депозит ҳамда ссуда (кредит) ҳисобварақларини масофадан очиш, онлайн конверсия хизматлари, халқаро пул ўтказмалари тизими орқали келган маблағларни мижознинг хоҳишига кўра, банк ҳисобварағи ёки банк картасига кириштириш каби қатор хизматлар таклиф қилинаётгани аҳоли учун кўплаб қулайликлар

## MILLIY MOBIL – ODDIY VA QULAY



яратмоқда. Бу ўз навбатида, анъанавий тарзда (банкка ташриф буюрган ҳолда) кўрсатиладиган банк хизматларига нисбатан вақт, харажат ва меҳнат кучини тежашга имкон бермоқда.

Ўзмилийбанк тизимида ҳам мазкур йўналишда қатор эътирофга молик ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда Ўзмилийбанк Чакана маҳсулотларини сотиш бошқармаси бошлиғи Жавлон Назаров шундай дейди:

Бугунги кунда мижоз банкка келмасдан барча амалиётларни масофадан туриб бажариш тизимини яратишга ҳаракат қиламиз. Бу борада MILLIY мобил ило-



вазининг янада мукаммаллаштирилиши устида ишлар олиб борилиб, ойига 5-6 тадан янги хизматлар қўшилмоқда. Ҳатто мижозлар биржа савдоларида қатнашиб, акциялар сотиб олиш имкониятига эга бўлишди.

Айни кунда мижозлар илова орқали 200 дан зиёд

хизматлардан фойдаланиб, ўз юмушларини бажаришлари мумкин.

Агар MILLIY банк мобил иловасининг имкониятлари ҳақида сўз юритганда миллий сўм ёки чет ел валютасидаги омонатни масофадан туриб очиш хизматини қайд этиб ўтиш даркор. Мазкур онлайн омонатларнинг афзаллиги шундаки, бунда ҳужжат расмийлаштиришга эҳтиёж йўқ, шунингдек, мижоз худди шу омонатни банкка ташриф буюриб расмийлаштиригандан кўра, юқори фоиз ставкаси белгиланган.

Шу билан бирга иловада “Экспресс” пул ўтказма ама-

лиёти бўлиб, унда картадан картага пул ўтказишда карта рақамлари талаб этилмайди. Фақат икки мижозда ҳам илова юкланган бўлса, биргина ҳар қандай мессенжер хабарни тасдиқлаш орқали пул маблағи тезда ўтади.

Миллий илова орқали QR-код, штрих код орқали ва NFS(без контакт) мулоқотсиз тўловларни амалга ошириш имкониятлари яратилган бўлиб банк мижозлари ўз қўл телефони орқали тўловларни амалга ошириши мумкин. Энди пласстик картани кўтариб юриш муҳим эмаслигини маълум қиламиз.

Шуни ҳам қўшимча қилиш керакки, иловани мукаммаллаштириш жараёнида аҳолидан келиб тушаётган мурожаатлар ҳам эътиборга олинади. Агар бир йўналишда кетмакет мурожаат бўлса, бу шу йўналишда муаммо борлигидан далolat беради. Бу масалани ҳал этиш учун бошқарма томонидан барча чоралар кўрилади ва мижозлар мурожаати тезда қондирилади. Керак бўлса, алоҳида дастурлар яратишга киришилади.

**Малика ПЎЛАТОВА**

## “ИПАК-ЙЎЛИ”

## АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ ТИЖОРАТ БАНКИ

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2014 йил 29 августдаги 10-сонли лицензияси.  
Юридик манзили: 100017, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 2.

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ  
ЙИҒМА ҲИСОБОТ

2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

Минг сўмда

Моддалар	2018 йил 31 декабрь	2017 йил 31 декабрь
<b>Активлар</b>		
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	991 619 820	1 002 690 700
Бошқа банклардаги маблағлар	201 270 336	189 803 132
Мижозларга тақдим этилган кредит ва бўнақлар	2 512 584 810	1 931 071 560
Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициявий қимматли қозғалар	n/a	3 786 174
Молиявий активлар, умумий даромад орқали адолатли қиймат бўйича баҳоланганлари	46 770 855	n/a
Фойда солиғи бўйича жорий мажбуриятларнинг олдидан амалга оширилган тўлови	7 101 966	1 346 623
Номоддий активлар	17 509 789	85 293 196
Асосий воситалар	154 851 549	5 808 049
Бошқа молиявий активлар	1 051 981	2 110 222
Бошқа номолиявий активлар	22 137 273	22 821 113
<b>ЖАМИ АКТИВЛАР</b>	<b>3 954 898 379</b>	<b>3 244 730 769</b>
<b>МАЖБУРИЯТЛАР</b>		
Бошқа банклар маблағлари	110 456 960	100 896 480
Мижозлар маблағлари	1 860 990 093	1 766 078 238
Чиқарилган қарз қимматли қозғалар	4 043 105	17 228 395
Бошқа қарз маблағлари	1 332 671 115	924 630 804
Пут опцион бўйича молиявий мажбуриятлар	105 773 391	86 704 214
Кечиктирилган солиқ мажбуриятлари	9 687 885	684 864
Бошқа молиявий мажбуриятлар	14 307 817	5 743 261
Бошқа номолиявий мажбуриятлар	14 932 193	5 674 233
<b>ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР</b>	<b>3 452 862 559</b>	<b>2 907 640 489</b>
<b>ХУСУСИЙ КАПИТАЛ</b>		
Банк акциядорларига тегишли хусусий капитал:		
Акциядорлик капитали	282 773 409	161 873 409
Эмиссион даромад	2 659 500	2 319 500
Тақсимланмаган фойда	202 481 782	172 897 371
Бошқа умумий даромад орқали молиявий активлар захирасини қайта баҳолаш	14 121 129	-
Банк акциядорларига тегишли соф капитал	<b>502 035 820</b>	<b>337 090 280</b>
Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улуши	-	-
<b>ЖАМИ КАПИТАЛ</b>	<b>502 035 820</b>	<b>337 090 280</b>
<b>ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ</b>	<b>3 954 898 379</b>	<b>3 244 730 769</b>

Фойда ва зарарлар ёки умумий  
даромадлар тўғрисидаги йиғма ҳисобот  
2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

Минг сўмда

Моддалар	2018 йил	2017 йил
Фоишли даромад	366 785 143	249 157 234
Фоишли харажат	(109 119 717)	(72 143 875)
<b>Фоиш ҳисобланадиган активларнинг қадрсизланишидан кўрилган зарарга қадар олинган соф фоиш даромади</b>	<b>257 665 426</b>	<b>177 013 359</b>
Эҳтимолий кредит зарарлари қадрсизланиши бўйича захира	(4 222 038)	n/a
Кредит зарарларини қоплаш бўйича захира	n/a	(2 186 317)
<b>Соф фоишли даромад</b>	<b>253 443 388</b>	<b>174 827 042</b>
Воситачилик ва хизматлар учун тўловлардан олинган даромад	159 810 677	139 853 153
Воситачилик ва хизматлар учун тўловлар бўйича харажатлар	(41 951 787)	(32 290 835)
Хорижий валютада амалга оширилган операциялардан кўрилган соф фойда	43 374 001	76 406 263
Пут опцион бўйича молиявий ижара	(19 069 177)	(55 494 771)
Бошқа активларнинг қадрсизланиши бўйича захира	(4 663 995)	(2 345 433)
Кредит хусусиятига эга мажбуриятлар бўйича захирани тиклаш (шакллантириш)	(2 845 788)	(589 893)
Сотиш учун мавжуд инвестициявий қимматли қозғаларнинг қадрсизланиши бўйича захирани тиклаш (шакллантириш)	-	40 013
Бошқа даромадлар	11 834 452	18 266 467
Маъмурий ва бошқа операцион харажатлар	(222 637 522)	(185 645 756)
Олинган дивидендлар	1 884 837	1 455 601
<b>Солиқ ундирулгунга қадар кўрилган фойда</b>	<b>179 179 086</b>	<b>134 481 851</b>
Фойда солиғи бўйича харажатлар	(37 684 088)	(28 784 727)
<b>Йиллик соф фойда</b>	<b>141 494 998</b>	<b>105 697 124</b>
Бошқа умумий йиллик даромад:		
Фойда ёки зарар сифатида қайта таснифланмайдиган моддалар:		
(Улушли қимматли қозғалар) FVTOSдаги молиявий активларнинг адолатли қийматли бўйича фойдаси	5 199 203	-
Фойдада солиқ самараси	(790 796)	-
<b>Жами бошқа умумий йиллик даромад</b>	<b>4 408 407</b>	<b>-</b>
<b>Жами умумий йиллик даромад</b>	<b>145 903 405</b>	<b>105 697 124</b>
<b>ҲАР БИР АКЦИЯДАН КўРИЛГАН ДАРОМАД</b>		
Имтиёзли акциядан олинган базавий ва тақсимланган фойда (ҳар бир акциядан Сўмда)	6,83	8,32
Оддий акциядан олинган базавий ва тақсимланган фойда (ҳар бир акциядан Сўмда)	6,83	8,32

АКЦИЯДОРЛИК КАПИТАЛИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ  
2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

Минг сўмда

	Устав капитали	Эмиссион даромад	Тақсимланмаган фойда	Банк акциядорларига тегишли хусусий капитал	FVTOSда ҳисобланган молиявий активларни қайта баҳолаш захираси	Жами хусусий капитал
2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ	112 653 409	1 459 500	94 920 247	209 033 156	-	209 033 156
Йиллик соф фойда	-	-	105 697 124	105 697 124	-	105 697 124
Бошқа умумий даромад	-	-	-	-	-	-
2017 йил учун бошқа умумий даромад	-	-	105 697 124	105 697 124	-	105 697 124
Акциялар эмиссияси:						
- Оддий акциялар – капиталлаштирилган дивидендлар	27 718 200	-	-	27 718 200	-	27 718 200
- Имтиёзли акциялар – капиталлаштирилган дивидендлар	1 800	-	-	1 800	-	1 800
Эълон қилинган дивидендлар – оддий акциялар	-	-	(27 718 200)	(27 718 200)	-	(27 718 200)
Эълон қилинган дивидендлар – имтиёзли акциялар	-	-	(1 800)	(1 800)	-	(1 800)
Акциялар эмиссияси:						
- оддий акциялар	21 500 000	860 000	-	22 360 000	-	22 360 000
2017 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	161 873 409	2 319 500	172 897 371	337 090 280	-	337 090 280
МСФО 9 қабул қилинишининг 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра таъсири	-	-	12 978 302	12 978 302	9 712 722	22 691 024
2018 йил 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ (МСФО 9 га мувофиқ қайта кўриб чиқилган)	161 873 409	2 319 500	185 875 673	350 068 582	9 712 722	359 781 304
Йиллик соф фойда	-	-	141 494 998	141 494 998	-	141 494 998
Бошқа умумий даромад	-	-	-	-	4 408 407	4 408 407
2018 йил учун жами умумий даромад	-	-	141 494 998	141 494 998	4 408 407	145 903 405
Акциялар эмиссияси:						
Оддий акциялар – капиталлаштирилган дивидендлар	112 394 000	-	-	112 394 000	-	112 394 000
имтиёзли акциялар – капиталлаштирилган дивидендлар	6 000	-	-	6 000	-	6 000
Эълон қилинган дивидендлар – оддий акциялар	-	-	(124 882 222)	(124 882 222)	-	(124 882 222)
Эълон қилинган дивидендлар – имтиёзли акциялар	-	-	(6 667)	(6 667)	-	(6 667)
Акциялар эмиссияси:						
оддий акциялар	8 500 000	340 000	-	8 840 000	-	8 840 000
2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	282 773 409	2 659 500	202 481 782	487 914 691	14 121 129	502 035 820

### “ИПАК-ЙЎЛИ” АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ ТИЖОРАТ БАНКИ

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ  
ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ  
2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

Минг сўмда

Моддалар	2018 йил	2017 йил
<b>Операцион фаолиятдан келган пул оқимлари ҳаракати:</b>		
Олинган фоизлар	361 164 863	236 802 675
Тўланган фоизлар	(107 561 455)	(65 429 737)
Воситачилик ҳақи ва хизматлар учун тўловлар тарзида олинган пул маблағлари	161 381 939	141 786 407
Воситачилик ҳақи ва хизматлар учун тўловлар тарзида тўланган пул маблағлари	(38 752 446)	(32 324 508)
Хорижий валюталар билан амалга оширилган операциялар бўйича даромадлар	28 878 893	4 245 897
Бошқа операциялар даромадлар	10 472 789	18 405 636
Тўланган иш ҳақи бўйича харажатлар	(140 983 414)	(115 695 167)
Маъмурий ва бошқа тўланган операциялар харажатлар	(66 678 957)	(64 791 770)
Тўланган фойда солиғи	(37 588 690)	(27 244 650)
<b>Операцион активлар ва мажбуриятларда ўзгаришлар бўлгунча операциялар фаолиятдан келган пул оқимлари</b>	<b>170 333 522</b>	<b>95 754 783</b>
<i>Қуйидагилар бўйича соф (кўпайиш) / камайиш:</i>		
Бошқа банклардаги маблағлар	(9 811 313)	270 350 845
Мижозларга тақдим этилган кредит ва бўнақлар	(517 529 575)	(166 653 028)
Бошқа молиявий активлар	194 555	24 898
Бошқа номолиявий активлар	(5 428 018)	(136 425)
<i>Қуйидагилар бўйича соф (кўпайиш) / камайиш:</i>		
Бошқа банкларнинг маблағлари	5 926 584	(151 948 231)
Мижозларнинг маблағлари	81 971 005	(303 460 097)
Муомалага чиқарилган қарз қимматли қозғолар	(12 914 000)	(200 000)
Бошқа молиявий мажбуриятлар	40 673	(8 117)
Бошқа номолиявий мажбуриятлар	7 219 612	528 009
<b>Операцион фаолиятда (фойдаланилган) соф пул маблағлари</b>	<b>(279 996 955)</b>	<b>(255 747 363)</b>
<b>Инвестицион фаолиятда фойдаланилган пул маблағлари ҳаракати</b>		
Бошқа умумий даромад орқали адолатли қиймат бўйича молиявий активларни харид қилиш	(25 873 846)	-
Сотиш учун мавжуд инвестициявий қимматли қозғоларнинг сотувидан тушган тушум	793 904	504 000
Асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олиш	(96 923 330)	(23 471 582)
Асосий воситаларни сотишдан тушган тушум	1 604 336	23 701
Олинган дивидендлар	1 884 837	1 341 101
Инвестициявий фаолиятда фойдаланилган соф пул маблағлари	(118 514 099)	(21 602 780)
Молиявий фаолиятда фойдаланилган соф пул маблағлари ҳаракати		
Бошқа қарз маблағларини олиш	568 576 557	178 007 339
Бошқа қарз маблағларини сўндириш	(180 735 046)	(145 217 863)
Оддий акцияларнинг эмиссияси	8 840 000	22 360 000
Тўланган дивидендлар	(12 488 755)	(3 305)
<b>Молиявий фаолиятдан келган пул оқимлари</b>	<b>384 192 756</b>	<b>55 146 171</b>
Валюта курсидаги ўзгаришнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига таъсири	3 293 039	595 401 673
Эҳтимолий кредит зарарларининг таъсири	(45 621)	-
<b>Пул маблағлари ва пул эквивалентларининг соф кўпайиши (камайиши)</b>	<b>(11 070 880)</b>	<b>373 197 701</b>
<b>ЙИЛ БОШИДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА ПУЛ ЭКВИВАЛЕНТЛАРИ</b>	<b>1 002 690 700</b>	<b>629 492 999</b>
<b>ЙИЛ ОХИРИДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА ПУЛ ЭКВИВАЛЕНТЛАРИ</b>	<b>991 619 820</b>	<b>1 002 690 700</b>
<b>Пулсиз операциялар</b>		
<b>Пут опцион бўйича молиявий мажбуриятларнинг адолатли қиймат бўйича соф ўзгариши</b>	<b>31 декабрь 2018 года</b>	<b>31 декабрь 2017 года</b>
Пут опцион бўйича молиявий мажбуриятларнинг адолатли қиймат бўйича соф ўзгариши	19 069 177	55 494 771
Дивидендларнинг капиталлашуви	112 400 000	27 720 000

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги “Deloitte & Touche” МЧЖ аудиторлик фирмаси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 8 февралдаги АФ № 00500-сонли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари амалдаги қонун ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2018 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида мавжуд.

Хизматлар лицензияланган.

### СОҲАГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАР

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

#### МАРКАЗИЙ БАНК ТОМОНИДАН БАНК ҚОНУНЧИЛИГИ ВА БАНК ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ БУЗГАНЛИКЛАРИ УЧУН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЧОРА ВА САНКЦИЯЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
томонидан 2019 йил 23 майда 622-9-сонли рақам  
билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон “Банк хизматлари оммабонлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1998 йил 26 декабрдаги 74-сон қарори билан тасдиқланган Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 622, 1999 йил 5 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 10-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин қучаги қиради.

Марказий банк раиси  
Тошкент ш.,  
2019 йил 20 апрель,  
8/4-сон

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
Бошқарувининг 2019 йил 20 апрелдаги  
8/4-сон қарорига  
ИЛОВА

#### МАРКАЗИЙ БАНК ТОМОНИДАН БАНК ҚОНУНЧИЛИГИ ВА БАНК ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ БУЗГАНЛИКЛАРИ УЧУН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЧОРА ВА САНКЦИЯЛАР ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА

1. Низомнинг номидаги “банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига” деган сўзлар “банк ва бошқа кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1.1-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:  
“1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ва “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Марказий банк томонидан банк ва бошқа кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан чора ва санкциялар қўллаш тартибини белгилайди.”

3. Қуйидаги тахрирдаги VI2-бўлим билан тўлдирилсин:  
“VI2. Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини бузганлик учун қўлланиладиган санкциялар

6.23. Банк хизматлари истеъмолчиларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳуқуқлари тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан бузилган тақдирда уларга нисбатан Марказий банк куйидагича жарима қўллаш ҳуқуқига эга:  
тижорат банкига — банк устав капиталининг белгиланган энг кам миқдорининг 0,1 фоизигача миқдорида;  
микрокредит ташкилотига — микрокредит ташкилоти устав фонднинг белгиланган энг кам миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида;  
ломбардга — энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдорида.”

4. 7.1-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:  
“7.1. Ушбу Низомда белгиланган чора ва санкциялар кредит ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банк назорати қўмитасининг қарорига мувофиқ Марказий банк фармойиши асосида қўлланилади.”

Яқинда "Туронбанк" акциядорлик тижорат банкининг 2018 йил фаолияти яқунлари ва 2019 йилга мўлжалланаётган муҳим устувор вазифаларга бағишланган акциядорлар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда банк томонидан ўтган йилги эришилган натижалар ва жорий йилги режалар хусусида сўз борди.

Маълумки, бугунги кунда "Туронбанк"нинг 20 та филиали, 42 та минибанки, 37 халқаро пул ўтказмалари, 23 валюта айирбошлаш шохобчалари ва 43 та коммунал, жамғарма ва махсус кассалари юртимиз аҳолисига кенг қамровли хизматлар кўрсатиб келмоқда. Бу жараёнда банк томонидан тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, хорижий инвесторларни жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш, замонавий банк хизматларини ривожлантириш каби бир қатор муҳим йўналишларга алоҳида эътибор берилмоқда.

#### РАҚАМЛАР СЎЗЛАГАНДА

Банк томонидан олиб борилаётган ислохотлар унинг даромадларининг ортишига ва барқарор ривожланишига замин яратмоқда. Агар ўтган давр мобайнида банкнинг молиявий натижаларига эътиборни қаратадиган бўлсак, эътирофга лойиқ ютуқларни қўлга киритганига гувоҳ бўлаемиз. Жумладан, ўтган ҳисобот даврида банк жами капитали 523,3 млрд. сўмга (141,8 фоизга) ошиб, 892,2 млрд. сўмни ҳамда устав капитали 488,0 млрд. сўмга кўпайиб, 765,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу ўсиш кўрсаткичи 175,4 фоизга ошди деганидир. Банк активлари эса 2018 йилда 3,2 трлн. сўмга етди. Мазкур активларнинг кўпайишида асосан кредит қўйилмаларининг 1,4 трлн. сўмга ва бошқа активларнинг 235,6 млрд. сўмга ошганлиги ҳисобига тўғри келди. Бу ўсишларнинг асосий манбаи эса банк устав капиталининг ҳамда мижозлар базаси ва жалб қилинган депозитлар ҳажмининг ошганлигидир.

Бевосита банкнинг ўтган йилги соф даромадлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ўтган 2018 йил якуни бўйича "Туронбанк" томонидан олинган ялпи даромад 302,37 млрд. сўм, қилинган харажатлар эса 262,31 млрд. сўмга етган, бундаги соф фойда 40,06 млрд. сўмни ташкил этди. Бу кўзланган режадан бир неча баробар ортиқ деганидир. Мазкур даромадларнинг 72 фоизи – фоизли даромадлар ҳиссасига

## TURON BANK Барқарорлик белгиси!

# "ТУРОНБАНК" БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ САРИ



тўғри келиб, 218,37 млрд. сўмни, фоизсиз даромадларнинг миқдори жами даромаднинг 28 фоизини ёки 84 млрд. сўмни ташкил қилди.

#### ИНВЕСТИЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Банк томонидан инвестицион кредитлар ажратиш бўйича 2018 йил учун 500,0 млрд. сўм режалаштирилган бўлиб, бу йўналишда 841,2 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу эса белгиланган режа кўрсаткичини 168,2 фоизга бажарилганидан далолат беради.

Жумладан, ўтган йилда Халқаро тараққиёт ассоциациясидан чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун 10,0 млн. АҚШ доллари, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкдан мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш учун 25,0 млн. АҚШ доллари, Осиё Тараққиёт банкидан мева-сабзавотчиликни ривожлантириш учун 40,0 млн. АҚШ доллари миқдорида ва Хитой "Эксимбанк"дан республикамызда гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш мақсадида 85,8 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит жалб этиш юзасидан Келишув имзоланди ҳамда жалб этилган хорижий кредит линия маблағлари ҳисобидан жами 63,8 млн. АҚШ доллари (40%) ўзлаштирилди.

Бу борадаги ишлар жорий йил ҳам давом этиб, Осиё тараққиёт банкидан 40,0 млн. АҚШ доллари, Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармасидан 10,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линияларини жалб қилиш мўлжалланмоқда. Қолаверса, республикамызда лимон етишти-

ришга мўлжалланган иссиқхоналар ташкил этиш мақсадида Осиё тараққиёт банкидан қўшимча 30,0 млн. АҚШ доллари ва Россиянинг "Росэксимбанк"дан тўғридан-тўғри 15,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги хорижий кредит линиялари жалб қилиниши мўлжалланмоқда.

#### КИЧИК БИЗНЕСНИ

#### РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадида "Туронбанк" АТБнинг барча филиаллари томонидан изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. Натижада бугунги кунга келиб юзлаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилди.

Агар бу ишларни рақамларда таҳлил қиладиган бўлсак, ўтган йилдавомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан 1,2 трлн. сўм маблағ ажратилган. Бу жараёнда микрокредитлар ажратишни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, жами ажратилган кредитларнинг 127,4 млрд. сўми микрокредитлар ҳиссасига тўғри келади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги "Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори билан "Ҳар бир оила — тадбиркор" Давлат дастури асосида Ўзбекистон Республикаси Тукла-

ниш ва тараққиёт жамғармасидан жами 108,0 млрд. сўм кредит линияси жалб қилиниб, 4,5 мингдан ортиқ хусусий ва оилавий тадбиркорларга 77,0 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу эса минглаб инсонларнинг иш билан таъминланишига омил бўлиши баробарида уларнинг рўзгорига фойзабарака киришига ҳам сабаб бўлди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2018 йилда жойларга ташрифи давомида берилган топшириқлари ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнларига мувофиқ, "Туронбанк" АТБ томонидан юзга яқин янги лойиҳа амалга оширилди ҳамда ушбу лойиҳаларга жам 343,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар йўналтирилди. Бу ишларнинг давомида сифатида худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида жорий йилда 257 та лойиҳани молиялаштириш учун 1,1 трлн. сўм, шундан, 880,0 млрд. сўми (80%) хорижий кредит линияси ҳисобидан банк кредитларини ажратиш, бунинг натижасида беш мингдан ортиқ ишчи ўрни яратиш режалаштирилган.

#### ТЕЗКОР ВА ҚУЛАЙ ХИЗМАТЛАР

Банк томонидан аҳолига кенг қулайликлар яратиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йил давомида банкнинг таркибий тузилмаларини кенгайтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида 16 та минибанк, 5 та халқаро пул ўтказмалари ва 10 та жамғарма, омонат ва махсус кассаларини очиш ҳамда валюта айирбошлаш шохобчалари ўрнига автоматлаштирилган шохобчалар сонини кўпайтириш режалаштирилган бўлиб, мазкур автоматлаштирилган шохобчалар учун 35 дона банкоматлар олиб келиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари мазкур банкоматлар орқали VISA International ва Master Card халқаро тўлов карталарига ҳамда HUMO карталарига хизмат кўрсатиш орқали ҳисобот йилида бир қатор ижобий натижаларга эришиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, келгусида VISA халқаро тўлов тизимига қўшимча тарзда Master Card халқаро тўлов тизимига уланиш орқали хизмат кўрсатиш тармоғини кенгайтириш мақсадида 9 000 дона халқаро пластик карталари эмиссия қилиниб, 100 дона терминаллар ўрнатиш режалаштирилган.

**Банк ахборот хизмати**  
**Реклама ўрнида**

## БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС  
Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия  
академияси

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР  
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ  
Бобур МУҲАММАДИЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати  
Тел: 99897 776 60 18  
71 232 45 32  
Факс: 71 232 43 98  
Нашр индекси-102.

Ахборот кўмаги  
ЎЗА, "Norma Hamkor" МЧЖ  
Тахририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси,  
23-уй e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,  
www.banknews.uz телеграм каналимиз  
@bank\_axborotnomasi  
Чоп этишга тайёрловчи: "Moliya yangiliklari agentligi"  
МЧЖ  
Газета тахририятнинг техник ускуналарида  
саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмади. Қўлёзмадан такрир қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кuni чиқади.

Буюртма № г 503  
Адади 1987 нуска  
Нархи шартнома асосида.  
Газета А3 ҳажмида, 2 шартли босма табоқда чоп этилди.  
Босишга рухсат этилди: 12.06.2019 й.,  
1 2 3 4 5

"Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.